



2025 йил 19 АПРЕЛЬ
шанба № 05 (8322)

BAĞDOD hayoti

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ



Еттинчи чақиріқ халқ депутатлари Бағдод тумани Кенгашининг 7-сессия бўлиб ўтди.

Сессияда туман ҳокимининг ўринбосарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди. Сессияни кенгаш раиси, туман ҳокими Фанижон Солиев очиб берди ва кенгаш депутати Файратжон Абдуллаев олиб борди.

Кун тартибига қўйилган масалалар қаторида жамоатчилик фикри асосида 2025йил 1-мавсумида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-39-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича 2025 йил 1-чорагида амалга оширган ишлар юзасидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Саиджон Давлатовнинг ахборотлари эшитилди.

Шундан сўнг Бағдод туманида сув истемолчиларига 2025 йил вегетация даври учун сув олиш лимитларини белгилаш тўғрисидаги ахборот тингланди.

Сессияда ташкилий масала ҳам қўрилди. Бағдод тумани ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи лавозимига Ҳилола Қамбарова тайинланганлиги тўғрисидаги қарор ўқиб эшиттирилди.

Сессияда кун тартибига киритилган барча масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Бағдод тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати.**

Бирлашсак, Ватанчимиз

Бағдод тумани кейинги пайтларда турли жабҳаларда олиб борилаётган ўз ишлари билан ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида тез-тез кўриниш бермоқда. Бу эса туманда ишлаб чиқариш, маданий ҳаёт, замон талабларига амал қилинаётгани, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ишлари жадал давом этаётгани белгисидир. Бунга Қашқаримакай МФИда қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган янги, ҳар томонлама қулайликларга эга бино ҳам яққол мисолдир.

Бундай иш, бунақа ажойиб бинода ишлаш шу кунгача фақат ҳавас бўлган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари учун биров фойдаланмай қўйган, хароба ҳолига келиб қолган биноларда фаолият юритаётган фуқаролар йиғинлари учун ҳам ҳавас уйғотди. Юртимизда «Инсон қадри ҳар нарсадан баланд» деган шиорни кўтариб чиққан юртбошимиздан, вилоят ҳокимлиги ва туман

ҳокими Фанижон Солиевга ўхшаш фидокор раҳбарлардан мамнун яшаётган кишиларимиз ўз соҳаларида олиб бораётган фаолиятлари билан «лаббай» деб жавоб беришлари аниқ.

Мажбурий эмас, ихтиёрий тарзда, ўз ҳаётидан мамнун ҳолда меҳнат қилиш завқи ўзгача. Оила учун ҳеч қандай таъмасиз ҳаракат қилиш, дегани бу. «Бирга бўлсак оиламиз, бирлашсак – ватан» шиори бизнинг халққа ярашади. Яна янги ташаббуслар, янги натижалар бор ҳали.

Ҳозирча фикрларимиз шу. Янги-лари ҳақида янги саҳифаларда, узок куттирмаган ҳолда учрашгунча.

ЎЗ МУҲБИРИМИЗ.



1-бет

«АСАЛАРИЧИЛИК МАРКАЗИ» ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Абдувоҳид Убайдуллаев “Олчин” маҳалласидан. Тадбиркор ўз маблағлари ҳисобидан 1 ой муддатда 250 млн. сўм сарф этиб, Бағдод-Бувайда йўл ёқасида “Асаларичилик маркази”ни қуриб битказди. “Бағдод замин асали” МЧЖ раҳбари, “Шуҳрат” медали соҳиби бўлган Абдувоҳид “Асалари маҳсулотларини энг кўп экспорт қилган асаларичи” дея эътироф этилган.

Ушбу замонавий типда бунёд этилган бинонинг очилиш тадбирида Бағдод тумани ҳокими Фанижон Солиев, Андижон, Наманган вилоятларидан “Асаларичилар уюшмаси” аъзолари, ушбу соҳанинг Қозоғистондан келган вакиллари, ҳоким ўринбосарлари, қўшни туманлардан келган ҳоким

оиласи тарқатилган. Бошланишига озуқаларигача етказиб берилиб, асалари парвариши ўргатилди. Албатта, касаначилик асосида етиштирилган асал маҳсулотини ҳам ўзлари сотиб олишди. Аҳоли битта асалари оиласидан 700-800 минг сўмдан фойда кўришган. “Олчин”даги айрим оилалар асалнинг ўзидан 100 млн. сўм, асалари оиласини сотишдан эса 25 млн. сўмдан даромад топти. Энди бу тажриба туман миқёсида татбиқ этилади, – деди туман ҳокими Ф.Солиев.

Семинар шаклини олган тадбир иштирокчилари ҳам ўз маҳаллаларида бу усулни қўллаш истакларини билдиришди.

Абдувоҳид асаларичиликда нафақат Фарғона вилояти, балки



ёрдамчилари, кенг жамоатчилик вакиллари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди. Тўқин дастурхон тузалиб, меҳмонларга ош тарқатилди. Қўллар дуога очилиб, юртга тинчлик сўралди.

“Асаларичилик маркази”да 30 хилдан ошиқ табиий соф асал маҳсулотлари, ари боқиш учун керакли барча ускуна ва қўлланмалар мавжуд бўлиб, мутахассислар доимий равишда миқозларга ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан беъминнат ёрдам кўрсатишади.

– “Олчин”, “Чекхитой” маҳалла фуқаролар йиғинларида асаларичилик билан шуғулланиб, яхшигина даромад олаётганлар бор. Тажрибали асаларичи йилига икки маротаба асал олиш билан бирга, асалари оиласини сотиш эвазига ҳам қўшимча даромад қилишни йўлга қўйган. Утган йили асаларичилик кооперацияси “Чекхитой”да ташкил этилди ва ижобий натижа берди. Қишлоқда кооперация орқали 20 та оила вакиллари бандлиги таъминланди. Бунинг учун “Бағдод замин асали” томонидан уларга 60 та қутида, жами 180 та асалари

Ўзбекистон бўйлаб, ҳатто қўшни республикаларда ҳам таниқли бўлишга улгурди. Бу соҳа вакиллари билан экспорт-импорт салоҳиятларини кенгайтириб келмоқда.

– Асаларичилик камбағал оилаларни даромадли оилаларга айлантиришига ҳеч шубҳам йўқ. Мен юртимизни, туманимизни асаларичиликда дунёда ном қозонишига бор билим ва тажрибамни сарф этишга тайёрман! Тадбиркорларга кенг шароит ва имкониятлар яратиб бераётган Президентимизга, ислохотлар ижросини таъминлаётган вилоят, туман ҳокимларига миннатдорчилигимни билдираман, – дейди А.Убайдуллаев.

Йўлингиз тушса, келинг! Бағдод-Бувайда йўл ёқасида, “Олчин” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Асаларичилик маркази”да “биринчи қўл”дан асал харид қилиш билан бирга, асални етиштириш, асаларини парваришлаш ҳамда шу соҳада фаолият бошлаш учун маслаҳатлар оласиз.

Олимжон ХАТАМОВ.



4-бет

**БУГУНГИ
СОНДА:**

Бунёдкорлик

НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Сўнгги йилларда юртимизда кўп қаватли уйлар қуриш урфга айланди. Бу борада бири биридан қулай ва кўркем лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу эса аҳолининг уй-жой билан таъминланишини яхшилашга ёрдам беради.

Туман ҳокими Ғанижон Солиев "Гулистон" йўлдош шаҳарчасида бўлиб, аҳолини уй-жой билан таъминлаш йўлида олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Таъкидлаш керакки, туманда 2025 йилда амалга оширилаётган қурилишлар натижасида 12 та кўп қаватли уйлар қуриб битказилиши кўзда тутилган. Хусусан, "Гулистон" МФИда 10 та 5 қаватли уйларнинг ҳар бирида 20 тадан хонадон мавжуд бўлиб, 2 ва 3 хонали яшаш учун қулай, таннархи нисбатан арзон уй-жойлар қурилмоқда. Туман мар-



казида эса 2 та 7 қаватдан иборат 88 ва 48 та хонадондан иборат кўп қаватли уйлар бунёд этилмоқда.

Шу кунги туман раҳбари «Гулистон» МФИда кучли шамолда кўчган уйлар фасадида базалт қопланиши, таъмирлаш ишлари билан ҳам танишди. Қурилишда аҳоли талаблари ва эҳтиёжлари инобатга олиниши назоратга олинди.

Умиджон ЙИГИТАЛИЕВ,
туман ҳокими ўринбосари.

МАМЛАКАТ РЕЙТИНГИДА

2025 йилнинг иккинчи чораги якунларига кўра, мамлакатимиз маҳалла ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда энг фаол ва ташаббускор ёшлар етакчилари аниқланиб, ТОП-100 рейтинг шакллантирилди.

Унда Бағдод тумани "Дўрманча" маҳалласи ёшлар етакчиси Ботиржон Абдумаликов ҳам бор.

Ушбу ёшлар етакчилари ўз маҳаллаларида ёшларни ижтимоий фаолликка ундаш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, ташаббусларини амалга ошириш ва инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш орқали бутун мамлакатимизга намуна бўлиб келмоқда.

Маълумот учун, 2024 йилнинг 3-чорагида «Дўстлик» маҳалласи ёшлар етакчиси Нуруллоҳон Обидов, 2024 йил 4-чорагида «Шўроқер» маҳалла-



си ёшлар етакчиси Илҳомжон Мамажоновлар ҳам муносиблар қаторида эътироф этилган эди.

Ўткирбек БОЛТАБОВЕВ.

МАЛАКАЛИ ҲАЙДОВЧИЛАР
ТАЙЁРЛАНАДИ

Туманимизда ўтган йилларида ҳайдовчиликка ўқитиш марказлари 9 та бўлган. Жорий йил март ойидан бошлаб эса лицензия талаблари асосидаги 1 та марказ фаолият юритмоқда.

Туман марказида жойлашган "Ватанпарвар" ўқув-спорт марказида бўлган туман ҳокими ўринбосари Қахрамон Миртазақулов автомобил-транспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқувчиларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

– Марказимизда "А", "В", "ВС", "Д", "СЕ", "ВЕ", "С", "АВСД", пайванд-

ловчи, тракторчи тоифаларига ўқитиш йўлга қўйилган. Ташкилотимиздаги шароитлар кейинги вақтда анча яхшиланди. Энди ёшлар ўзлар хоҳлаган тўғрақларда шугулланишлари мумкин. Моддий техник база, инновацион технологиялар билан жиҳозланган махсус ўқув хоналари, механик ва тиббиёт хоналарида бир босқичда 228 та ўқувчи таҳсил олиши мумкин. Йилига 800 нафар ҳайдовчиларни тайёрлаш имкони бор, – дейди Бағдод "Ватанпарвар" ўқув-спорт техника клуби раҳбари Омадбек Маматқулов.

Р.СИРОЖИДДИНОВ.

Танлов



АЁЛ – ҚАДРИЯТЛАР ДАВОМЧИСИ

Туманимизда "Аёл – қадриятлар давомчиси" мавзусида миллий маросим ва урф-одатлар танлови ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 7 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-87-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 март кунги 20-сонли баёни ижросини таъминлаш доирасида ташкилланган танловнинг туман босқичида маҳалла вакиллари иштирок этди.

Танловнинг туман босқичи оила ва хотин-қизлар бўлими, маданий-ахлоқий бўлими, маҳаллалар уюшмаси, ёшлар ишлари бўлими, "Оқила аёллар" ҳаракати, тумандаги отинойилар ва фаол аёллар ҳамкорлигида ташкилланди.

Танлов иштирокчилари миллий қадриятларимизни авлодларга етказишда аёлларнинг ролини ошириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб этиш каби йўналишларида ўзаро беллашдилар.

Умрихон УСМОНОВА.

«ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ» – НИМА?

Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан жиноят судларида дастлабки эшитув босқичи жорий этилган. Дастлабки эшитув-суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан бевосита суд назорати шаклларида бири ҳисобланади.

Айтиш керакки, бугунги кунда суд муҳокамаси олдида суд айблов тарафи тақдим этган барча иш материалларига эга. Лекин, афсуски, ҳимоя тарафисудга дастлабки тергов босқичидан суд босқичига ўтиб келаётган илтимоснома ва шикоятлардан бошқа ҳеч нарса тақдим эта олмайди.

Суд муҳокамаси олдида айблов ва ҳимоя тарафининг бу даражада тенг бўлмаган имкониятлари сабабли судья жиноят иши материаллари билан танишиш жараёнида тўла ҳолисликни сақлай олмайди. Бу суднинг ёки прокурорнинг, ёхуд ҳимоячининг ўз вазифасини нотўғри бажараётганлигини эмас, балки жиноят-процессуал функциялар тақсимланган ана шу субъектларнинг ваколат ва имкониятлари

даражасининг номуносиблигини англатади.

Бу вазиятнинг оптимал ечими – жиноят ишини судга тайинлаш босқичини тарафларнинг фаол иштироки ва тортишув принципини реал таъминловчи дастлабки эшитув шаклида ташкил этишдир.

Яна бир муҳим жиҳат, дастлабки эшитувда номақбул далилларни далил базасидан чиқаришнинг асосий ташаббускори айнан ҳимоячи (демакки, айбланувчи) бўлади, албатта. Бу эса суд жараёнини фаоллаштиради, жонлантиради, айблов тарафини ҳушёр тортишга, жараёнга пухта тайёргарлик кўришга мажбур этади. Шунингдек, дастлабки эшитув жараёнида судья дастлабки тергов органлари фаолияти устидан суд назорати функциясини реал амалга оширишни бошлайди. Хорижий тажриба шуни кўрсатаяптики, дастлабки эшитув институтини миллий жиноят ишлари юритувига татбиқ этиш ҳозирда суд юритишда мавжуд бўлган жиддий муаммоларни ҳал этишнинг оптимал ечими ҳисобланади.

М.СИДДИҚОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бағдод тумани судининг
тергов судьяси.

ЗЎРАВОНГА ЖАЗО ТАЙИНЛАНДИ

Қўқонлик Н.М. шаҳарнинг талабалар кўп ҳаракат қиладиган ҳудудида яшайди. Бир кўчада институт, яна бирида техникум, нариги тарафда яна бир ўқув юрти бор, ахир. Ўзлаб, минглаб талабалар ўқиш, билим олиш, касб эгаллаш мақсадида Қўқонга келишади, кетишади...

Н.М. кафе олдида гаплашиб турган бир йигит ва қизни кўриб қолади. Негадир "қузир"лиги тутиб кетдики ё бошқа сабабми, нотаниш йигитга нима учун қиз бола билан гаплашаётганини, бу ерда бунақа туриш мумкин эмаслигини айтиб, дўқ ура бошлади. Бошқа тумандан келган йигитнинг "Бу унаштирилган қизим, яқинда тўйимиз бўлади" дейишига ҳам қарамасдан, унга ташланди, ёни-

да олиб юрган канцелярия пичоғи билан унинг юзига уриб, оқаётган қонни кўриб, кетиб юборди.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача" деб бежиз айтишмаган. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, зўравон қўлга олинди.

Тергов ва тиббий экспертиза хулосалари, гувоҳлар ва жабрланувчининг кўрсатмалари, шунингдек, айбланувчининг иқроғига асосан суд Н.М.ни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топди ва саккиз йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

О.СИДДИҚОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бағдод тумани судьяси.

МАҲАЛЛАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Маҳаллалар жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини тезкор ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Аҳоли билан тўғридан-тўғри алоқада меҳнат қилаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларига янада қулайликлар яратиш мақсадида эса қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, Бағдод тумани "Қашқармақай" МФИ биноси янгидан куриб, фойдаланишга топширилди.

Тантанали тадбирда туман ҳокими Ғанижон Солиев, Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмаси раисининг маслаҳатчиси Хатамжон Кетмонов ҳамда уюшманинг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Адҳам Зиявитдиновлар, шунингдек, ҳоким ўринбосарлари, маҳалла бўлими мутасаддилари, ёшлар, ОАВ, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

– Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу соҳада муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётди. Ушбу бинода маҳалла еттилиги учун барча шароитлар яратилди. Айни кунда



маҳалладаги 650 та хонадонда 1070 та оилалар истиқомат қилмоқда. Аҳолиси 4 мингга яқин қашқармақайликлар хашар йўли билан бошланган бинога қисқа фурсат – 8 ойда 300 млн. сўм сарфлашгани, фуқароларнинг аҳилиги, савоватли ҳомийларнинг ташаббусни қўллаб-қувватлашлари туфайли бугун истиқболи порлоқ маҳалла ўзининг замонавий янги биносига эга бўлди, – деди туман ҳокими.

Бинода етти та хона мавжуд бўлиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим сингари маҳалла масъулларига барча қулайликлар яратилган.

Тантанада Хатамжон Кетмонов ва Адҳам Зиявитдиновлар маҳалла тизимига берилаётган эътибор, яратилаётган тизим, ўз навбатида Бағдод маҳаллаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ҳақида гапириб, йиғилганларни янги бино билан муборакбод этди.

Сўзга чиққанлар бино курилиши тарихига тўхталиб, маҳалла аҳлини табриклади. Қўллар дуога очилиб, юртга

тинчлик сўралди. Тўкин дастурхон тузалиб, меҳмонларга ош тарқатилди.

Янги бино очилиши яна бир тантанага улашиб кетди. Туман ҳокими Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган изчил ислохотларнинг тўғри йўлга қўйилгани, ўз ҳудудларида жисмоний шахслар учун ер ва мол-мулк солиғи ундирилиши бўйича тарғибот ишларида натижа кўрсатган "Майлабой", "Қароқчитол", "Қашқармақай", "Самарқанд" маҳалла фуқаролари раисларининг ҳар бирига 10 млн. сўм миқдоридаги ваучерларни меҳмонлар иштирокида тақдим этди. Маҳалла биносини куришда жонбозлик кўрсатган қурувчиларга ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

Таъкидлашни истардикки, бу каби ижобий ўзгаришлар ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Бир пайтлар маҳалла идорасининг муқим жойи йўқлигидан кўчиб юрган масъулларга бугун ҳамма хавасда. Мана янги идора, яхши кунларга буюрсин.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

Мутахассислар огоҳлантиради

ҲАЙВОН ТИШЛАГАНДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Қутуриш – вирус келтириб чиқарадиган касаллик бўлиб, қутирган ҳайвон тишлаганда, тирнаганда ёки сўлаги теккандан сўнг пайдо бўлади. Бу касаллик асаб тизимининг жиддий шикастланиши билан кечади. Агарда ўз вақтида тиббий ёрдам ва қутуришга қарши эмлаш чораси кўрилмаса, ўлимга олиб келади.

Тишлаган ҳар бир ҳайвон, биринчи навбатда, қутуриш касаллиги учун потенциал хавфли деб ҳисобланиши лозим. Бу касаллик асосан итлардан, шунингдек, мушук, тулки, бўри каби ҳайвонлар ёки кемирувчилардан юқади.

Ҳайвон тишлаганда нима қилиш керак?

1. Камида 10-15 дақиқа давомида жароҳат юзасини оқиб турган сув ва совун билан яхшилаб ювинг (бунда кир совунидан фойдаланган афзалроқ, чунки унинг таркибида вирусни фаолсизлантирадиган ишқор кўпроқ). Шунингдек, жароҳатланган жойнинг ён атрофларини ҳам ювиб ташланг, чунки у ерга



ҳам ҳайвон сўлаги оққан бўлиши мумкин.

2. Ярани 70% ли спирт эритмаси ёки 5% ли йод эритмаси ёки 3% ли водород пероксид эритмаси билан артиш лозим.

3. Стерил бинт билан боғлаб қўйинг. Таранг ва зич боғламлардан имкон қадар фойдаланмасликка ҳаракат қилинг.

4. Қутуриш ва қоқшолнинг олдини олиш, шошилиш чоралар кўриш учун туман тиббиёт бирлашмасига қарашли амбулатор поликлиникалардаги рабиология пунктига мурожаат қилинг.

5. Жароҳат етказган ҳайвонни ветеринарга кўрсатинг.

Қутуришга қарши эмлаш

– касалликдан сақланишнинг ягона чораси. Баъзи ҳолларда, агар тишлаган ит 10 кундан кейин тирик ва соғлом бўлса, у ҳолда беморни эмлаш тўхтатилади.

Асосийси, қутуришдан ҳимояланиш, уни олдини олиш чораларини ёдда тутиш ва уларга риоя қилиш лозим:

- ёввойи ва кўча ҳайвонларига яқин бормаслик ва буни болаларга тушунтириш;
- уй ҳайвонининг ноҳўя хатти-ҳаракатидан (сўлак оқиши, агрессив бўлиши) эҳтиёт бўлиш ва бу ҳақида санитария хизматиға хабар бериш;
- уй ҳайвонларини ҳар йили қутуришга қарши эмлаш лозим.

Ш.ЭРКИНЖОНОВ,
Бағдод туман СЕО ва
ЖС бўлими бошлиғи.
Ё.ЮСУПОВ,
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш
туман бўлими
мутахассиси.

БАҒДОДИМ,
СЕНИНГ ЁШЛАРИНГ!

«Мақсадим – Президентлар ўртасида ўтадиган учрашувларда таржимонлик қилиш», дейди Мухайё Одилхўжаева.

Бағдодлик 21 ёшли Мухайё Одилхўжаева Италиянинг нуфузли олий ўқув юртида таҳсил олиш билан бирга, халқаро ёшлар ташкилоти USSUN (Unites Students of SUN-Silk Road Universities Networking)нинг вице-президенти сифатида фаолият олиб бормоқда.



Бағдодлик 19 ёшли Бехрузбек дунё бўйича топ 100 рейтингда бўлган Америкадаги Бостон, Флорида, Нью-Йорк университетларини 100 фоиз (жами салкам 1 млн. АҚШ доллари) грантини қўлга киритди.

Бағдодда бундай фахрланадиган, тенгдошлари ўрнатган оладиган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда.

Бағдод тумани «Қоровултега» қишлоғида туғилиб ўсган ХусанбойҒаниев Америка Қўшма Штатларининг «Maryland» Университетида докторлик диссертациясини ёқлади. Бу ютуққа қадар бағдодлик профессор катта илм ва тажриба йўлларини босиб ўтган:

1) Бағдод тумани иқтисодори болалар лицей-ин-

тернати битирувчиси;
2) Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Халқаро бизнес ва маркетинг" йўналиши бакалаври;

3) Малайзия давлатининг "International Rima College" олий ўқув юртининг ELS and MSP гранти ёлиби;

4) Жанубий Кореядаги «Keimyung University»нинг "Korean Government Scholarship Program" давлат гранти ёлиби;

6) Тошкент давлат иқтисодиёт университети

магистри;
7) Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кадрлар бўлими бошлиғи;

8) Ушбу академияда Халқаро алоқалар департаменти бошлиғи ва академия мустақил тадқиқотчиси;

9) Япония Молия вазирлиги қошидаги "Сиёсий тадқиқотлар институти"нинг "Visiting Scholar" дастури ёлиби;

10) Ҳарвард (АҚШ) университетининг «Human Resources Management» Onside Internship дастури ёлиби;

11) Америка Қўшма Штатлари Maryland университети докторанти.

Ҳамюртимизнинг халқаро даражадаги ютуқлари бардавом бўлсин!

Акмалдин ИБРОҲИМОВ.

МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

*Отларнинг ўрнини тойлар босади,
Гуллар томиридан гуллар ўсади.
Ўйлама: «Фалончи ўлди», деб зинҳор,
Маърифат йўлини ким ҳам тўсади?!*

*Боглар пайдо бўлса саҳрода агар,
Қумлар орасидан топиб олсанг зар,
Бу ерда боз бўлган бир вақтлар албат,
Ва ёки яшнаган пурвиқор шаҳар.*

*Илмли фарзандлар лол қилса элни,
Дунё сарҳадида тик тутса белни,
Билиб қўй, гойибдан бўлмагай пайдо,
Йўқотиб бўлмагай ҳаттоки қилни.*

*Яшавор, Бағдоднинг лочин фарзанди,
Доно аждодларнинг доно авлоди,
Қаддини қўтарди Бағдод яқбора,
Демак, йўқолмагай илм имдоди.*

КАРИМАБЕГИМ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
аъзоси.

«БАҒДОДЧИ» ДЕБЮТ ЎЙИНДА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ



Футбол бўйича Ўзбекистон Биринчи лигасида янги мавсум старт олди. 1-тур ўйинлари қаторида «БАҒДОДЧИ» ва «НАВБАҲОР ФАРМ» футбол жамоалари беллашишди. Бағдод тумани Марказий ўйингоҳига ташриф буюрган минглаб футбол ихлосмандлари қўллаб-қувватлаши остида тўп сурган туманимиз жамоаси камбек қайд этди.

Биринчи бўлимнинг 18-дақиқасида меҳмон жамоа футболчиси Исохон Йўлдошев ҳисобни очди. Матонат, тажриба, ғалабага бўлган иштиёқ туфайли «Бағдодчи» футболчиларидан Раҳматулло Уктамов 38-дақиқада, Абдулвосид Восиджонов 69-дақиқада гол уришди ва ҳисобни 2:1 кўринишига олиб келишди.

Таъкидлаш керакки, Бағдод тумани ҳокими Фанижон Солиев баҳс ав-

валида майдонга чиқиб жамоаларга омадлар тилар экан, «Бағдодчи» жамоасининг 28 йиллик танаффусдан кейин 1-лига давраида тўп суриши тарихий натижа эканлигини, уларни нафақат мухлислар, балки туман ҳокимлиги, ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши бора-сида сўз юритди, футбол беллашувини бевосита майдондан кузатиб борди.

Бағдод футбол клубининг 2025 йилги мавсумда уй ўйинларида «Ютуқли чипта» ҳам йўлга қўйилди. Илк учрашувда қимматбаҳо совринлар ўз эгаларига топширилди.

Анваржон ИСОҚОВ,
спорт мактаби директор
ўринбосари.

«ДХХ КУБОГИ»ГА СТАРТ БЕРИЛДИ



Бағдод туманида «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида футбол ва мини-футбол спорт турлари бўйича ДХХ кубоги мусобақаларига тантанали равишда старт берилди.

Очилиш маросимида туман ҳокими ўринбосари Қ.Миртазақулов сўзга чиқиб, кубок баҳсларида иштирок этадиган жамоаларга омад тилади.

Маросимда Давлатимиз мадҳияси янгради. Сўнг қуръа ташлаш маросими бошланди. Унда ёш спортчилар, маҳалла ёшлар етакчи-

лари ҳамда жамоалар сардорлари қатнашдилар. Мусобақанинг тартиб-қоидалари иштирокчиларга яна бир бор тушунтирилди ва жамоалар ўз гуруҳларини аниқлаб олишди.

Таъкидлаш лозимки, ДХХ кубогини ўтказишдан кўзланган мақсад ёшлар орасида спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, уларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

ТУМАНИМИЗ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАРИ ҒОЛИБЛАР САФИДА

Фарғона вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармасида «Ёнғин ўчириш амалий спорти» вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

Унда Бағдод тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими жамоаси ҳам муносиб иштирок этди. Қизғин ва мурасасиз кечган баҳсларда туманимиз жамоаси 1-ўринни ва алоҳида шартлар бўйича 3-ўринни эгаллашди.

Муслимжон ЭРҒАШЕВ.



ТУМАН БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ



Бағдод туманидаги 16-музыка ва санъат мактабида «Иқтидор мактаб ансамбли» республика танловининг туман босқичи ўтказилди.

Танловда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 6-10-синф ўқувчиларидан иборат жамоалар иштирок этишди.

Танлов натижаларига кўра,

1-ўринни 35-мактабнинг «Табас-сум» жамоаси;

2-ўринни 20-мактабнинг «Порлок юлдузлар» жамоаси;

3-ўринни 43-мактабнинг «Иқтидорли ёшлар» жамоаси қўлга киритди.

Ғолиб жамоаларни табриклаймиз!

Аҳроржон ҲОТАМОВ.

КИТОБХОН ЎҚУВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурининг тасдиқланиши фаол китобхон ўқувчилар учун кенг имкониятлар эшигини очади.

Туманимиздаги 62-умумий ўрта таълим мактабида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида мактаб маъмурияти томонидан маънавий-маърифий тадбир ташкилланди. Тадбир давомида Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романидан парча ўқувчилар томонидан маҳорат билан сахналаштирилди.

Тадбирда буюк бобокалонимиз, саркарда Амир Темур таваллудининг 689 йиллиги ҳам эътибордан четда



қолмади. Соҳибқирон шарафига ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан сахналаштирилган кичик репертуар намойиш этилди.

Тадбир сўнгида янги ўқув йилининг энг китобхон ўқувчилари саралаб олиниб, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Муаттархон УМАРОВА.